

**БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОЛИШ ЛАЁҚАТЛИЛИГИНИ
БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР**

Джусураев К.Т.

*М.Улугбек номидаги Ўзбекистон
миллий университети “Макроиктисодиёт”
кафедра ўқитувчиси*

Мижознинг кредитга лаёқатлилиги деганда қарз оловчининг олган қарзини (асосий карзи ва унинг фоизини) тўла ва ўз вақтида қайтара олиш қобилиятини тушунамиз. Жаҳон ва мамлакатимиз банк амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилигини белгиловчи куйидаги мезонлар ўрнатилган: маблағни қарз олиш қобилияти; жорий фаолият давомида қарзни узиш учун маблағ ишлаб топиш қобилияти; мижоз капитали; кредитнинг таъминланганлиги; кредит операциясини бажариш чоғидаги шароитлар; қарз оловчи фаолиятининг қонуний жиҳатларини назорат қилиш даражаси.

Мижознинг қарз олиш қобилияти унинг кредит олиш буйича буюртмага ва кредит шартномасига имзо қўйиш хукукига ёки ваколатига эга эканлиги, ўзаро келишув ва битимларни тузиш ёшига етганлигига намоён бўлади. Мижоз капиталини баҳолашда куйидаги иккита мезонга эътибор берилади: устав фондининг минимал даражасига (акционер капиталига) нисбатан куйиладиган талабга мижоз капиталининг жавоб бера олиши, унинг етарлилиги ва молиявий левераж коэффициентлари даражалари; кредитланаётган операцияга ўз капиталини қўйиш даражаси. Бу қўрсаткич банк билан қарз оловчи ўртасида рискнинг тақсимоти тўғрисида далолат беради. Ўз капитал қанчалик кўп қўйилса, шунчалик қарз оловчини кредит риски омилларини синчковлик билан кузатишга мажбур этади.

Кредитнинг таъминланганлиги деганда қарз оловчи активининг қиймати ва қарзни узиш бўйича аниқ иккиламчи манбалар (гаров, кафолат, сугурта кабилар)нинг кредит шартномасида ўз аксини топганини тушунамиз. Агар актив қиймати ва қарз мажбуриятларининг нисбати қарз оловчи банкрот бўлганлиги тўғрисида хабар қилган ҳолда банк ссудасини узиш учун аҳамиятли бўлса, аниқ иккиламчи манбаларнинг сифати эса молиявий танглик ҳолатида мижознинг ўз мажбуриятларини бажариш кафолатини таъминлайди. Гаров сифати, кафолатнинг пухталиги, сугурта ҳам банк мижозлари ва пул оқими камайиб кетганда, банк балансида ликвидлик муаммоси туғилганда ёки капиталнинг тақчиллиги сезилган ҳолларда ўта муҳимдир. Кредит операциясини бажариш чоғидаги шароитларга мамлакатдаги ва унинг минтақаларидағи, шунингдек, тармоқдаги иқтисодий ҳолат ва сиёсий омиллар киради. Бу шароитлар банкнинг ташқи риски даражасини белгилайди. Айнан шуларга асосланиб пул оқими, баланснинг ликвидлиги, капиталнинг етарлилик даражаси, қарз

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

олувчининг менежерлик маҳорати кабиларга баҳо берилади. Ниҳоят, мижознинг кредитга лаёқатлилигини белгиловчи сўнгги мезони, яъни қарз олувчи фаолиятининг қонуний жиҳатларини назорат қилиш даражаси банкирни қуидаги саволларга жавоб олишга ундейди: қарз олувчининг кредит олиши ва кредит тадбирларини амалга ошириши учун хукукий ва меъёрий асослари мавжудми?; қонунчиликда кутиладиган эҳтимолий ўзгаришлар (масалан, соликда) қарз олувчининг фаолияти натижалариға қанчалик таъсир ўтказади?; қарз олувчининг ссуда, кредит олиши бўйича тузган бизнес режасида, шартномада қўрсатган талабномаси қанчалик даражада кредит сиёсатига мос келади? Қайд этилган мезонлар мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва унинг моҳиятини баҳолаш усулларини аниқлашга ёрдам беради. Бундай усуллар қаторига қуидагилар киради: рискни баҳолаш; менежментни баҳолаш; молиявий коэффициентлар асосида мижознинг молиявий барқарорлик даражасини баҳолаш; пул окимини таҳлил қилиш; мижоз тўғрисида маълумотлар йиғиш; мижознинг иш фаолиятини кузатиш ва х.к. Гарчи баҳолаш усуллари ва мезонлар ягона тарзда қулланилсада, юридик ва жисмоний шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда уларнинг кичик, ўрта ва йирик эканликларига алоҳида эътибор берилади. Шунга биноан у ёки бу усулларни комплекс ҳолда қўллаш зарурияти туғилади.

Жаҳон ва мамлакатимиз банк амалиётида мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда бир қатор молиявий коэффициентлар қўлланилади. Мазкур банк мижозларининг феъл-атвори, молиявий тангликка дуч келишидаги эҳтимоллик даражаси, банкнинг кредит сиёсати кабиларга боғлиқ. Шу нуткаи назардан барча молиявий коэффициентларни қуидаги беш гурухга бўлиш мумкин: 1.Ликвидлик коэффициентлари; 2.Самарадорлик ёки айланувчанлик коэффициентлари; 3.Молиявий левераж коэффициентлари; 4.Рентабеллик(фойдалилик) коэффициентлари; 5.Қарзни қоплашни тавсифловчи коэффициентлари. Бу коэффициентлар ўз навбатида бир қатор хусусий қўрсаткичлар билан тавсифланади.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш корхонанинг мол етказиб берувчилар, харидорлар ва банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, ижобий кредитга лаёқатлилик қўрсаткичига эга булган корхоналар ҳеч кандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва унинг хисобидан товар-моддий бойликларни сотиб олиши, салмоқли маблагларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, олдиндан олинган кредитлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтиришлари мумкин. Салбий кредитга лаёқатлилик қўрсаткичига эга бўлган корхоналар банкдан кредит олмасада, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш, сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллик қўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиши лозимлиги тўғрисида ахборотга эга бўладилар. Банк томонидан ўрганиб чиқилган материалларни олган кредит бўлимининг эксперtlари ўз банк архивига мурожаат қиласи. Агар мижоз олдин ҳам кредит олган бўлса, архивда

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

унинг кечикириб тўланганлиги ва бошқа камчиликлари ҳақидаги маълумотлар бўлади. Ундан ташқари, банк бошқа кредит ташкилотлари билан алоқа ўрнатиб, ушбу қарздор тўғрисида маълумот олиши мумкин.

АҚШда потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлиигини аниқлаш учун, ўз навбатида, кредит рискини минималлаштириш учун, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 5 «С» номли усул фойдаланилади. Бу усул қуйидаги жиҳатларга асосланади: мижознинг репутацияси (обруси, шуҳрати ва донги) - custom er character; тўлов кобилияти - capacity to pay; капитал- capital; ссуданинг таъминланганлиги - collateral; иктисодий конъюнктура ва унинг истиқболлари - current business conditions and goodwill. Бу усулга биноан мижознинг обрўси, масъулият даражаси, қарзни тўлашга бўлган истаги ва тайёргарлиги текширилади. Банк қарздор билан суҳбат олиб боради, архивдан мижоз тўғрисида материалларни олиб таҳлил қиласи, бошқа фирма ва банклар билан маслаҳатлашади ва х.к. Банк мижознинг кредитга лаёқатлиигини баҳолашда улар маблагларининг уч манбасини чуқур ўрганиб чиқади. Булар: жорий касса тушумлари; активларни сотиш; молиялаштиришнинг бошқа манбалари (айтайлик, пул бозоридаги қарзлар). Булардан ташқари, банк асосий эътиборини бошқа омилларга ҳам, хусусан, фирмаларнинг акционерлик капиталига, унинг тузилишига, актив ва пассивларнинг бошқа моддаларига бўлган нисбатига ҳамда қарзнинг таъминланишига, унинг етарлиик даражасига, сифатига ва қарзни тўламаслик ҳолда гаровни сотиш даражасига қаратади.

Буюк Британияда ҳам «Parts» номли қарз олувчининг кредитга лаёқатлиигини таҳлил қилиш усули кенг тарқалган бўлиб, унда: кредитнинг мақсади - purpose; ссуданинг ҳажми - amount; қарзни тўлаш - repayment; муддати - term; ссуданинг таъминланганлиги - security кабилар таҳлил қилинади. Баҳолаш сўнгидаги умумий шарт-шароитларга, хусусан, давлатдаги ишбилармонлик соҳасидаги иқлим, банк билан қарздорлар холатига таъсир этувчи омиллар, мамлакатдаги иктисодий ҳолат, монанд товарлар бўйича ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги, соликлар, хом ашёга бўлган нарх-наволар ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор берилади.

Ўз маблаглари манбалари ва унинг микдори канчалик катта булса, мижознинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар корхонанинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари ўз маблағлари манбаларидан юқори бўлса, у ҳолда корхона баланси ноликвид эканлигини кўрсатади. Банк ёки тадқиқотчилар мижознинг аризасини таҳлил килганларида нафакат унинг молиявий аҳволини, балки мижоз фаолият курсатаётган ушбу худуд ва тармоқнинг иктисодий аҳволи, агар йирик ҳажмдаги кредит сўралаётган бўлса, хатто жаҳон иқтисодиётининг аҳволини ҳам ўрганадилар.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ё. ва бошқалар. “Банк иши”. –Т.: 2009.
2. Абдуллаева Ш.З. Пул ва банклар. –Т.: 2010.
3. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 2010.
4. <https://cbu.uz> интернет-сайт Центрального банка Республики Узбекистан.
5. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759
6. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услугий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 1, February 2023.*
7. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
8. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
9. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting", Issue 2, April 2023.*
10. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 205 b.
11. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/3251>
12. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
13. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
14. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
15. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

16. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
17. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic Press, 2(0002).
18. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
19. Қличев Баҳтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
20. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
21. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
22. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.
23. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламли банк технологиларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
24. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o'rni.
25. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.
26. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.
27. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>